

Sanoat ishlab chiqarish

Тошкент шаҳрида 2017 йил январь-декабрь ойлари учун sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг асосий кўрсаткичлари

Тошкент шаҳрида sanoat корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2012-2016 йилларда sanoatни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида кўплаб янги турдаги, рақобатбардош ва қўшимча қийматга эга sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилдики, бу пировардида соҳада ана шундай юқори ўсиш суръатига эришиш имконини берди.

1-диаграмма



2017 йил январь-декабрь ойларида эса Тошкент шаҳрида sanoat маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми таққослама нархларда 27 415.2 млрд сўми ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,2 фоизга ошган демакдир. Бунда Яшнабод тумани 3 632.8 млрд сўм, Шайхонтохур тумани 3

043.5 млрд сўм ва Чилонзор тумани 3 112.1 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарган.

1-жадвал


2015-2017 йилларда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми

Шаҳар ва туманлар номи	2015 йил		2016 йил		январ- сентябрь 2017 йил		январь-декабрь 2017 йил	
	млрд. сўм	ўсиш. %	млрд. сўм	ўсиш. %	млрд. сўм	ўсиш. %	млрд. сўм	ўсиш. %
Тошкент	8 731,2	114,6	11 700,7	119,4	9 797,0	103,6	12 870,8	101,5
Бектемир	838,8	149,5	1 151,9	137,9	918,3	140,3	1201,0	126,7
Мирзо-Улугбек	631,3	115,1	630,3	106,2	609,5	98,9	827,2	97,5
Мирабад	509,7	105,6	647,1	116,0	526,3	100,6	688,5	98,3
Олмазар	995,4	117,5	1 617,9	119,3	1274,4	102,5	1689,2	101,3
Сергелий	920,6	111,0	1 387,8	121,8	1071,1	102,8	1421,5	101,3
Учтепа	777,7	116,3	926,0	116,8	795,8	100,1	1044,2	98,4
Чиланзар	1 067,3	108,0	1 388,3	126,3	1294,0	95,9	1640,3	92,3
Шайхантахур	671,9	99,8	1 067,3	101,1	736,0	99,2	985,9	100,1
Юнусабд	624,7	117,1	792,0	117,9	665,1	102,2	865,8	100,6
Яккасарай	578,2	112,8	748,0	130,3	710,4	101,4	946,4	99,4
Яшнобод	1 115,6	114,3	1 344,3	119,5	1196,2	105,1	1561,0	105,5


Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар нинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий 2017 йилнинг 4-чорагида 27 415,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,2%ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида саноат тармоғида жами Тошкент шаҳри миқёсида Яшнобод (13.4 %), Чилонзор (11.6 %) ва Шайхонтохур (11.5%) туманларининг саноатидаги улуши нисбатан юқори бўлди.



2017 йил январь-декабрида туманларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)



Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда,

ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини камайтиришда, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор конъюнктураси ўзгаришларига ҳам, истеъмолчи талаби ўзгаришларига ҳам тез мослашишга қодир бўлиб, истеъмол бозоридаги мувозанатни ушлаб туришда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, рақобат муҳитининг шаклланишига хизмат қилади.

Хусусан, 2000 йилда ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари умумий ҳажмида қарийб 31,0 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 41,6 фоизни, 2013 йилда 49,8 фоизни, 2014 йилда 68,0 фоизни, 2015 йилда 68,6 фоизни, 2016 йилда эса 71,0 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан қарийб +40,0 фоизга ўсди.

4-диаграмма




Жорий 2017 йил январь-декабрида ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, sanoat тармоғидаги корхоналар томонидан электроэнергетика ишлаб чиқариш-7,8 %га, ёқилғи – 6,3%га, қора металлургия – 2,9%га, кимё ва нефт – 7,1%га, қурилиш материаллари- 5,3%га, машинасозлик ва метални қайта

ишлаш-9,1%га ва тиббиёт соҳасида ишлаб чиқариш 60,1% га оширилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида, ёғочни қайта ишлаш саноатидаги корхоналар томонидан ёғоч ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 17,0% га оширилди.

5-диаграмма




6-диаграмма



Шунингдек 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида, Тошкент шаҳарида саноати корхоналари томонидан сотиш нархларида 12 870,8 млрд.сўмлик (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 101,5%) халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган бўлиб, Олмазор 13,1% (1689,2 млрд. сўм), Чилонзор 12,7% (1640,3млрд.сўм), Яшнобод 12.2 % (1561,0 млрд.сум) ташкил этмоқда. Ундан ташқари Сергели туманинг 1425,1 млрд сумлик, Бектемир тумани 1201,0 млрд сумлик маҳсулот ишлаб чиқарганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

7-диаграмма




Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширади, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг кўплаб муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради. Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини ҳисобга олиб, таркибий тузилмасига эътибор берсак хўжалик уюшмалари ва қўшма корхоналар мулки мос равишда 2018 йил 01 январь ҳолатида 11 098 млрд ва 12 601 млрд сўмлик маҳсулот (хизмат, ишлар) ишлаб чиқарганини айтиб ўтиш лозим.



Шунингдек акциядорлик жамиятлари мулки томонидан 2154,1 млрд сўмлик, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ва кооперацион мулкчилик шакллари ҳисобига эса 2358,2 млрд сўмлик маҳсулот (хизмат, ишлар) ишлаб чиқарилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири саналади. Чунки у орқали аҳоли ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилади ва одамларнинг моддий эҳтиёжлари қондирилади.



Тошкент шаҳрида 2017 йил январ-декабр ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 12870,8 млрд.сум ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101.5 %. Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг эса жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 44,7 фоизни ва ҳажми 5571,7 млрд сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,2 фоизни ташкил этди.

Олмазор тумани 1689,2 млрд сўм , Яшнабод тумани 1561 млрд сўм ва Чилонзор туманлари 1640,3 млрд сўмлик истеъмол товарларини ишлаб чиқаргани алоҳида аҳамиятга эга.

Бу бозорни раванқ топтириш учун, аввало, маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, самарали бошқариш лозим. Ушбу фаолият эса сотувчиларни ва харидорларни юқори даражада ташкил этилган сервис асосида кутиб олишга қаратилган тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. Унинг мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий моҳияти соҳадаги ишларни замонавий маркетинг тамойиллари асосида олиб бориш заруриятини белгилайди. Бу бозорда кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш ва маҳсулотларни харид

қилиш айнан истеъмол бозорида маркетинг фаолиятининг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари билан боғлиқдир.